

**“Агробанк” АТБ**  
**Бошқаруви йиғилишининг**  
**2016 йил \_\_ декабрдаги**  
**\_\_\_\_\_ - сонли қарори билан**

**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**

**“Агробанк” АТБ**  
**Кенгаши йиғилишининг**  
**2017 йил \_\_\_\_\_ январдаги**  
**\_\_\_\_\_ - сонли қарори билан**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**БАНКНИНГ 2017 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ**  
**АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

## Мундарижа

<b>Муқаддима.....</b>	<b>3</b>
<b>I боб. Умумий қоидалар.....</b>	<b>3</b>
1-§. Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси.....	3
2-§. Кредитлаш кўлами .....	5
3-§. Ваколатлар.....	6
4-§. Амалдаги меъёрлар ва йўриқномаларга риоя этилиши.....	6
<b>II боб. Сиёсатнинг амалга оширилиши.....</b>	<b>7</b>
1-§. Вазифалар.....	7
2-§. Мажбуриятлар.....	7
<b>III боб. Кредит жараёнини ташкил этишнинг умумий мезонлари.....</b>	<b>8</b>
1-§. Кредитларни бериш тартиби .....	8
2-§. Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш.....	12
3-§. Хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан халқаро кредит йўналишлари .....	15
4-§. Хорижий валютада қайта молиялаштириш .....	16
5-§. Банкнинг фоиз сиёсати .....	16
6-§. Фоизларни ўстирмаслик .....	16
7-§. Молиявий ахборот.....	17
8-§. Кредит таъминотига қўйиладиган талаблар.....	18
9-§. Ссуда ҳажмининг гаров қийматига нисбати .....	22
10-§. Банкка дахлдор шахсларга кредитлар ажратилиши.....	24
<b>IV боб. Кредитларга хизмат кўрсатиш .....</b>	<b>25</b>
1-§. Кредит йиғмажилди .....	25
2-§. Кредитларни таснифлаш .....	26
<b>V боб. Кредит портфелини бошқариш.....</b>	<b>27</b>
1-§. Кредит портфелининг диверсификацияси.....	27
2-§. Банк кредит портфелининг аудити .....	28
3-§. Кредит ва лизинг операциялари бўйича чекловлар .....	28
4-§. Банк кредит портфелининг умумий ҳажмига чекловлар .....	29
5-§. Кредит таваккалчилигини бошқариш .....	29
6-§. Кредитларнинг турлари .....	29
<b>VI боб. Кредит мониторинги тизими.....</b>	<b>31</b>
1-§. Кредит мониторинги .....	31
2-§. Кредит мониторингини тизимли ташкил этиш .....	32
3-§. Кредит ходимлари .....	33
4-§. Банкнинг Кредит комиссиялари .....	35
5-§. Кўзда тутилмаган ҳолатлар (балансдан ташқари мажбуриятлар). .....	35
<b>6-§. Ҳисоботлар.....</b>	<b>36</b>

## Муқаддима

- I боб. Умумий қоидалар
- II боб. Сиёсатнинг амалга оширилиши
- III боб. Кредит жараёнини ташкил этишнинг умумий мезонлари
- IV боб. Кредитларга хизмат кўрсатиш
- V боб. Кредит портфелини бошқариш
- VI боб. Кредит мониторинги тизими

Банкнинг 2017 йилга мўлжалланган кредит сиёсатининг асосий йўналишлари (барча кейинги ўринларда “Сиёсат”) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Банк сири тўғрисида”, “Микромолиялаш тўғрисида”, “Ипотека тўғрисида” ва “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1084-сонли, 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли ҳамда банк назорати бўйича Базель кўмитасининг баҳолаш тамойиллари, Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### I Боб. Умумий қоидалар

- 1-§.Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси
- 2-§.Кредитлаш кўлами
- 3-§.Ваколатлар
- 4-§.Амалдаги меъёрлар ва йўриқномаларга риоя этилиши

#### 1-§. Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси

1.Сиёсатнинг асосий мақсади – иқтисодиёт тармоқларини кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш, кредитлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнида амалдаги талаблар ҳамда меъёрларга риоя этиш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш ва банк ликвидлигини таъминлаган ҳолда минимал таваккалчиликлар асосида максимал фойда олишдир.

2.Мамлакатни ривожлантириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида сиёсатнинг асосий йўналишлари деб қуйидагилар белгиланади:

а)банкнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш ва кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар улушининг мутаносиб миқдорда ўсишини таъминлаш ҳамда узоқ муддатли кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратиш;

б)кредитлаш жараёнида асосий эътиборни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, жумладан агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий хорижий технологиялар ҳамда ускуналарни жалб этишга йўналтирилган узоқ муддатли, юқори самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш;

в) халқаро молиявий институтлар ҳамда хорижий банклар кредит йўналишларини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилиш;

г) ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда микрокредитлар ҳажмини кўпайтириш;

д) Республика ҳудудларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кредит маблағлари ажратилишида паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қорақўлчиликни ривожлантириш ва иссиқхоналарни кенгайтириш йўналишларига устуворлик бериш, жумладан ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқроқ таъминлаш мақсадида томоркаларда ҳамда фермер хўжалиklarининг бўш ер майдонларида узум, мева, сабзавотчилик ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

е) иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларнинг негизида янги корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш ва салоҳиятли инвесторларга сотиш жараёнини кенгайтириб бориш.

3. Сиёсатни амалга ошириш жараёнида банкнинг вазифалари:

а) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиklarига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматларини кўрсатиш;

б) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ҳамда сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш корхоналарига кредит бериш ҳамда молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

в) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ҳамда ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

г) банк ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ҳамда корхоналарнинг пул маблағларини кенг жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

д) халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

е) Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ушбу жараёнларни банк томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида, “Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” шиори остида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг ишбилармонлик соҳасидаги билими ва онгини ошириш, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

4. Сиёсатнинг стратегияси қуйидагилардан иборат:

а) юқори сифатли активларни шакллантириш билан даромадлилик ҳамда ликвидликка эришиш;

б) кредит портфелини диверсификация қилиш орқали унинг сифатини ошириш;

- в) юкори сифатли кредит портфели ва уни самарали бошқаришни таъминлай оладиган малакали ходимлар жамоасини шакллантириш;
- г) банкнинг стратегик мақсадларига мос, иқтисодий жиҳатдан истиқболли, рентабелли лойиҳаларни молиялаштиришга қисқа ва узоқ муддатли ссудалар бериш;
- д) жалб этилган ресурслар муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлаш жараёнини амалга ошириш;
- е) банк мижозлари билан узоқ муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларнинг ривожланишига қўмаклашиш;
- ё) кредит фаолиятини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга риоя этиш;
- ж) кредитлашни банкнинг мазкур соҳа билан боғлиқ бошқа ички сиёсатлари ва тартиботларига асосланган ҳолда амалга ошириш.

## **2-§. Кредитлаш қўлами**

5. Кредитлаш хизматлари мулкый мақомидан қатъий назар қишлоқ хўжалик корхоналарига, ишлаб чиқариш, қурилиш, савдо, таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларига, экспорт ҳамда импорт операцияларини амалга оширишга, яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатилиши мумкин.

Кредитлар амалдаги қонунчилик ва кредитлаш тартиботларига зид бўлган мақсадларга берилмайди.

6. Танланган устувор йўналишларга мувофиқ кредитлар иқтисодиётнинг тармоқ белгилари бўйича қуйидаги соҳаларга йўналтирилади:

- а) аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга;
- б) қайта ишлаш саноати (пахта, ғалла, пилла, мева-сабзавот маҳсулотлари ва ҳ.к.);
- в) қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти;
- г) қишлоқ хўжалиги;
- д) савдо фаолияти;
- е) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик;
- ё) истеъмол бозори;
- ж) таълим кредитлари;
- з) бошқалар.

7. Банк томонидан кредитлар Ўзбекистон Республикаси резидентларига таъминланганлик, муддатлилик, мақсадли фойдаланиш, қайтариб бериш, устама ҳақ тўлаш тамойилларига асосланган ҳолда берилади.

8. Кредит қўйилмалари ва кредит ресурслари ҳажмларининг ўзаро мутаносиблиги банкнинг 2017 йилга тасдиқланган бизнес-режаси ҳамда бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлари талаблари доирасида самарали бошқарилади.

9. Худудларда 2017 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш лойиҳаларини молиялаштиришга ҳамда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кредитлашга устуворлик берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, баённомалари ва топшириқларида белгиланган ҳамда ушбу ҳужжатлар асосида тасдиқланган дастурларда белгиланган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

### 3-§. Ваколатлар

11. Марказий банкда 2014 йил 4 августда 78-рақам билан рўйхатга олинган Агробанкнинг Уставига асосан:

а) банкнинг йирик (умумий капиталининг 50 (эллик) фоизи ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги) битимларини тузиш ва узайтириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, шунингдек банкнинг йирик (умумий капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача бўлган миқдордаги) битимларини тузиш ва узайтириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда банк Кенгашида яқдиллик бўлмаса, мазкур масала бўйича қарорларни қабул қилиш банк Акциядорлари умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига киради;

б) банкнинг йирик (умумий капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача бўлган миқдордаги) битимларини тузиш ва узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк Кенгаши ўз ваколати доирасида қабул қилади;

в) банк Бошқаруви ўз ваколати доирасида банкнинг йирик (умумий капиталининг 15 (ўн беш) фоизигача бўлган миқдордаги) битимларини, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш ва бошқа молиялаштириш билан боғлиқ битимларни тузиш ва улар муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади ҳамда ўз ички меъёрий ҳужжатларига асосан ушбу битимларни тузиш билан боғлиқ ваколатларини банкнинг кўмити ва комиссиялари, ҳудудий бошқармалари, филиаллари, шуъба ҳамда қарам корхоналарига беради.

Банк Бошқаруви кредитларнинг қайтарувчанлиги ҳолати, кредит портфели таркибида муаммоли қарздорликларнинг миқдоридан келиб чиқиб банк бўйича ёки унинг алоҳида филиалларида кредитлаш, кафолат бериш, факторинг ва лизинг хизматларини кўрсатиш амалиётини вақтинча тўхтатиб туришга ҳақли.

12. Банк тизимида хизмат кўрсатилувчи битта хўжалик юритувчи субъектга мулкчилик шаклидан қатъий назар жами кредит ажратиш (пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш учун кредитлардан ташқари), лизинг ва факторинг хизматларини кўрсатиш жараёнида шартномаларни расмийлаштиришда банкнинг Кредит кўмитаси ва комиссиялари учун ваколатлар банк Кенгашининг 2014 йил 20 июндаги 29-сонли қарори билан тасдиқланган “Агробанк” АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низом”нинг 15-бандига асосан банк Бошқарувининг махсус қарори билан ўрнатилади ва ушбу қарор мазкур сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Бунда, Марказий аппарат Кредит кўмитасига банк умумий капиталининг 10 фоизигача миқдорда қарор қабул қилиш ваколати берилади.

13. Ҳудудий бошқармалар ва тасарруфларидаги филиаллар Кредит комиссиялари томонидан хизмат кўрсатилувчи хўжалик юритувчи субъектларга мулкчилик шаклидан қатъий назар кафолат бериш тақиқланади.

Кафолат бериш Адлия вазирлигида 2012 йил 15 майда 2364-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан Марказий аппарат Кредит кўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

### 4-§. Амалдаги меъёрлар ва йўриқномаларга риоя этилиши

14. Сиёсатни амалга оширишда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг белгиланган тартибда қабул қилинган ички кредит тартиботларига амал қилинади.

15. Банк филиаллари томонидан мижозларни (юридик ва жисмоний шахсларни) кредитлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил

21 ноябрда 2528-рақам билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари”нинг 22 ва 64-бандлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, қарз олувчилар миждозларга хизмат кўрсатувчи масъул (кредит) ходим томонидан лозим даражада текширилади. Шунингдек, миждозларга кредит ажратиш жараёнида гумонли ва шубҳали мезонларга мос келадиган операциялар аниқланган тақдирда масъул ходимлар бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига ва Ички назорат хизмати ходимларига ёзма равишда хабар беришга мажбурдирлар.

16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармонида асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан уларга кўрсатилган банк хизматлари, жумладан тадбиркорлик ва бошқа тижорат таваккалчилиги билан боғлиқ ажратилган кредитлар бўйича шартнома шартлари бажарилмаслиги банк масъул ходимларининг жиноий жавобгарликка тортилишига асос бўлмайди.

## **II Боб. Сиёсатнинг амалга оширилиши**

- 1-§.Вазифалар
- 2-§.Мажбуриятлар

### **1-§. Вазифалар**

17.Сиёсатнинг асосий йўналишлари банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланганидан сўнг Сиёсатни амалга ошириш бўйича вазифаларни бажариш ваколатлари банк Бошқарувига берилади.

Банк Бошқаруви ушбу вазифаларнинг амалда бажарилиши юзасидан масъулиятни кредитлаш амалиёти билан шуғулланувчи тузилмалар зиммаларига юклайди.

### **2-§. Мажбуриятлар**

18.Кредитлаш амалиёти билан шуғулланувчи тузилмалар ва барча кредит ходимлари мазкур Сиёсатнинг асосий йўналишларини синчковлик билан ўрганишлари ҳамда унга риоя этишлари лозим.

## **III Боб. Кредит жараёнини ташкил этишнинг умумий мезонлари**

- 1-§.Кредитларни бериш тартиби
- 2-§.Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш
- 3-§.Хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан халқаро кредит йўналишлари
- 4-§.Хорижий валютада қайта молиялаштириш
- 5-§.Банкнинг фоиз сиёсати
- 6-§.Фоизларни ўстирмаслик
- 7-§.Молиявий ахборот
- 8-§.Кредит таъминотида қўйиладиган талаблар
- 9-§.Суда ҳажмининг гаров қийматига нисбати
- 10-§.Банкка дахлдор шахсларга кредит ажратилиши

## **1-§. Кредитларни бериш тартиби**

19. Қарз олувчининг кредит олиш юзасидан аризаси зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банкка тақдим этилиши билан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади. Мижоз тақдим этган ҳужжатлар тегишли Кредит комиссия/қўмита йиғилишида кўриб чиқилиб, кредит ажратиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда хизмат кўрсатувчи филиал мијозга асослангилган жавобни ёзма равишда бериши лозим.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4455-сонли Фармонига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган кундан сўнг бир йилдан ортиқ давр ичида Устав фондиди шакллантирмаган хўжалик юритувчи субъектларга кредит ажратиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас.

21. Қарз олувчи тўғрисидаги зарур маълумотлар ва кредитни расмийлаштириш ҳамда ундан фойдаланишни назорат қилиш чоғида олинган ахборот қарз олувчининг кредит йиғмажилдида мужассамлаштирилади.

Кредит йиғмажилди шакллантирилгач, филиал кредит ходими томонидан тикилиб, ҳужжатлар рўйхати (опись) тузилади ва рўйхат ушбу ходимнинг исми шарифи кўрсатилган ҳолда имзоланади.

22. Кредитлар реал бойликлар ва мулкый ҳуқуқларни гаровга олган ҳолда тақдим этилади ҳамда ушбу гаровнинг мавжудлиги, яроқлилиги ва сақланиши дастлаб ссуда берилгунга қадар тўлиқ ўрганилиши лозим. Кредит қайтарилишини таъминловчи таъминот (гаров, кафиллик, кафолат, жавобгарлик суғуртаси ва бошқалар) тегишли тартибда расмийлаштирилгач, кредит маблағи қарз олувчига берилади.

23. Кредит ажратишга хулоса берган банкнинг тегишли кредитлаш таркибий тузилмалари ходимлари кредит шартномаси тузилгунга қадар қарз олувчининг тўлов қобилиятини, лойиҳанинг иқтисодий асослангилганлиги, ўз-ўзини қоплаши, гаров ҳолатини ва юридик хизмат ходимлари қарз олувчининг юридик лаёқатлилигини, кредит йиғмажилдига илова қилинган шартномалар лойиҳаларини ўрганиб чиқади.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 ноябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 574-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда зарар кўриб ишлаётган ҳамда ноликвид балансга эга бўлган хўжалик субъектларига кредит бериш мумкин эмас ва уларга аввал ажратилган кредитлар муддатидан олдин ундирилиши лозим.

25. Бунда Ҳукумат қарорлари, баёнлари ва топшириқлари, жумладан Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларга сотиш бўйича Республика комиссия баёнлари асосида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда уларнинг молиявий кўрсаткичларини жорий ҳолати истисно тариқасида (тегишли ҳудудий бошқармалар Кредит комиссиялари ва/ёки қўмита қарори асосида) инобатга олинмаслиги мумкин.

26. Лойиҳаларни молиялаштиришда лойиҳа ташаббускорларининг баланс кўрсаткичлари ҳисобга олинмасдан лойиҳа асосида янги ташкил этиладиган корхонанинг келгусидаги баланс ва бошқа молиявий кўрсаткичларининг прогноз натижаларига асосланилади. Шу билан биргаликда банк томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида айланма маблағлар учун кредитлар, баланс кўрсаткичларидан қатъий назар, истисно тариқасида (тегишли ҳудудий бошқармалар Кредит комиссияси ва/ёки қўмита қарори асосида) ажратилиши мумкин.



27. Қарз олувчи ва банк ўртасида тузиладиган кредит шартномаси шартларида ссуданинг мақсади, муддати, фаолиятининг мавсумийлиги ҳамда хусусиятлари, агар миждоз хўжалик юритувчи субъект бўлса унинг реал пул оқимининг ҳаракати инобатга олинган ҳолда тақдим этилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш тартиби аниқ белгиланиши шарт.

Шунингдек, кредит шартномасининг миждоз мажбуриятлари қисмида қарз олувчи томонидан кредитдан фойдаланиш даврида ўзи белгилаган бизнес-режа параметрларига тўлиқ риоя этиши ҳамда пул оқимининг кредит ва фоизларни сўндирилишига етарли миқдорда таъминланиши аниқ кўрсатилиши лозим.

28. Қарздорликни қайтарилиши бир вақтнинг ўзида белгиланмасдан мақбул ва реал муддатларда (ойма-ой, ҳар чоракда, йилнинг маълум даврларида) қарз олувчининг пул оқими тушумига асосланган ҳолда белгиланиши зарур (давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун ажратиладиган кредитлар бундан мустасно).

29. Жисмоний шахсларга ажратилаётган истеъмол кредитлари юзасидан тўловлар даврлар бўйича тенг тақсимланган ҳолда мунтазам равишда сўндирилади (жисмоний шахсларга ажратилган истеъмол кредитлари учун сўндириш жадвалларини аннуитет усулда ҳам амалга оширилиши мумкин).

30. Ажратилаётган кредит қайтарилишининг максимал муддати миждоз томонидан ушбу кредит лойиҳаси бўйича тақдим этиладиган бизнес-режанинг реал қопланиш муддатига асосланиб белгиланади.

31. Банк филиаллари кредит ходимлари ажратилган кредитларни тасдиқланган жадвалларга асосан ўз вақтида қайтарилиши юзасидан мониторинг ўрнатиб, қарз олувчи томонидан банк олдидаги қарздорликни сўндирилиши бўйича назорат қилиб боришлари, қарз олувчи қарздорликнинг қайтарилишини ўз вақтида таъминламаган тақдирда кредит шартномаси шартларига мувофиқ қонунда назарда тутилган чоралар кўриши шарт.

32. Берилган кредитлар бўйича кредит шартномаларида кўрсатилган сўндириш жадвалларига асосан муддатли мажбуриятлар расмийлаштирилади ва ушбу қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаган тақдирда ундириш чоралари ўрнатилган тартибда кўрилади.

33. Юқори ликвидли товарлар чакана савдосини ташкил қилишга тақдим этилган кредитлар ва уларнинг фоизларини нақд пулда ёки савдо терминаллари орқали тушган маблағлар ҳисобидан қайтарилиши кредит шартномасининг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланиши зарур.

34. Адлия вазирлигида 2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан рўйхатга олинган “Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ кредитлар кредитланаётган тадбирнинг ўзини-ўзи қоплашини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларга берилади:

а) қарз олувчи ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни шакллантириш ва инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга 12 ой муддатгача;

б) айланма маблағларни тўлдиришга 18 ой муддатгача;

в) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга 24 ой муддатгача;

г) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тизим орқали тақдим этилган кредит ажратиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган алоҳида Низом билан тартибга солинади.

35.Электрон шаклда ҳужжат тақдим этиш – кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит олиш тезкорлиги ва қулайлиги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан таъминлаш мақсадида кредит ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш орқали намунавий шакллар асосида банкнинг интерактив банк хизматлари веб сайтида амалга оширилади.

36.Миллий валютада бир йил муддатгача кредит олиш учун ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда тақдим қилинади ва мижоз томонидан тўлдирилган электрон кредит буюртма тўғридан-тўғри банкнинг Марказий аппарати Девонхонасига келиб тушади. Электрон кредит буюртмасида маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган тақдирда мурожаат аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

37.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4609-сонли Фармони ҳамда Адлия вазирлигида 2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан рўйхатга олинган “Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га кўра қарз олувчилар кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тақдим қилинган мол-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга.

38.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли Қарорига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредитлар кредит портфелининг 20 фоизи миқдоригача (марказлаштирилган ресурслар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми бундан мустасно) Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ставкада белгиланган тартибда ажратилиши мумкин.

39.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли Қарорига асосан:

а)кредитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар харид қилиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун;

б)улгуржи савдо корхоналарига маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ноозиқ-овқат истеъмол товарларини харид қилиш учун кредитлар кредит портфелининг 20 фоизи миқдоригача (марказлаштирилган манбалар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан ташқари) Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича белгиланган тартибда ажратилиши мумкин.

40.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3878-сонли Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган “Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан ёш оилаларга имтиёзли шартларда кредитлар ажратилади.

41.Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй жойлар учун

амалга ошириладиган бошланғич бадал бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида кредитлар ажратиш мумкин.

42.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармонида кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848 Фармонидан келиб қичиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризалари улар томонидан зарур ҳужжатлар ўрнатилган тартибда тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

43.Тадбиркорлик субъектларига гаров таъминоти асосида кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлари ҳисобга олинishi мумкин.

44.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик соҳасини ривожлантириш учун кредит ва микрокредитлар ажратиш тартиблари ва шартлари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги Низом”, Адлия вазирлида 2013 йил 19 ноябрда 2527-рақам билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” талаблари асосида амалга оширилади.

45.Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларида ўқишни яқунлаган кундан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 3 февралда 2758-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан кредитлар ажратилади.

Микрокредитлар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача, юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Микрокредитлар қарз олувчига кредит ажратилаётган лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаши ҳисобга олинган ҳолда:

а)фаолиятни бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишга - 12 ой муддатгача;

б)қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш учун айланма маблағларини тўлдиришга, шунингдек асбоб-ускуналарни сотиб олишга - 2 йил муддатгача;

в)инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун - 3 йилдан ортиқ муддатга берилади.

Микрокредитлар мазкур Низомда кўрсатилган мақсадларга бериледи ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда, банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратилган тақдирда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

46.Адлия вазирлигида 2007 йил 25 августда 1704-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида револьвер кредитлар ажратилади.

47.Мижозларга банк кафолатларининг тақдим этилиши Адлия вазирлигида 2012 йил 15 майда 2364-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

48.Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ)ни кредитлаш банк томонидан Адлия вазирлигида 2006 йил 25 августда 1126-2-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ кредитнинг қайтарилиши, тўловлиги, таъминланганлиги, муддатлиги ва ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш шартларига риоя этиб, хатарларни ҳар томонлама баҳолаш ва гаров қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

49.ХУЖМШга кредитлар қуйидаги мақсадларга ажратилади:

а)турар жойларининг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирини амалга оширишга;

б)жорий ва капитал таъмирлашни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник захиралар, жиҳозлар ва ускуналарни сотиб олишга.

50.Кредитларни бериш муддатлари кредитланадиган тадбирларнинг қопланиш муддатларига боғлиқ бўлади, шу жумладан:

а)турар жойларининг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий фойдаланиладиган жойларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирини амалга оширишни молиялашга кредитлар 24 ойгача муддатга, муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилиши мумкин;

б)бошқа мақсадлар учун бериладиган кредитларнинг муддати, кредитланаётган фаолият тури хусусиятидан келиб чиққан ҳолда филиал томонидан мустақил белгиланади.

51.Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур хонадон (жисмоний ёки юридик шахс) нинг маҳаллий хом-ашё ва меҳнат ресурслари, инфраструктура ҳамда миллий анъаналаридан келиб чиқиб, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш бўйича амалдаги қонунчиликда чекланмаган барча йўналишларда кредитлар ажратилиши мумкин.

## **2-§. Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш**

52.Инвестицион кредитлар стратегик аҳамият касб этган, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган, замонавий ишлаб чиқариш технологик ускуналарини сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш объектлари қурилиши лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

53. Инвестиция кредитларини қуйидаги ҳолатларда ажратиш тавсия қилинмайди:

- а) Устав капиталини шакллантиришни кўзда тутувчи лойиҳаларга;
- б) лойиҳа банк томонидан юқори таваккалчиликка эга деб топилганда;
- в) тайёр маҳсулотларни импорт қилиб қайта сотувчи савдо компанияларига ишчи капитални шакллантиришга;
- г) казино ва бошқа турдаги қимор ўйинларини ташкил қилишга;
- д) спекулятив инвестицион фаолиятга ҳамда қонунчиликда тақиқланган бошқа ҳолатларга.

54. Банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан олдин ушбу лойиҳалар иқтисодий ташаббускорларининг молиявий жиҳатдан барқарорлиги, кредит таъминотининг етарлилиги ва ликвидлиги, лойиҳанинг таваккалчиликлари ҳамда ҳаётийлиги баҳоланиши, таклиф этилаётган молиялаштириш схемасининг мақбуллиги ўрганилади.

55. Инвестиция лойиҳасини ўрганиш - банк томонидан инвестиция кредитларини жалб этиш мақсадида тақдим этилган инвестиция лойиҳаларини иқтисодий самара олиш бўйича тайёрланган ҳисоб-китоблар, тадбирлар режаси, инвестиция кредитлари таъминоти ва бошқа кўрсаткичларнинг инвестиция лойиҳалари юзасидан талабларга жавоб беришини ўрганишдир. Лойиҳани ўрганиш молиялаштирувчи филиал ҳамда тегишли ҳудудий бошқарманинг мутасадди ходими томонидан амалга оширилади.

56. Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда лойиҳа ташаббускори бўлган мижознинг кредитга лаёқатлилиги амалдаги баланс ҳисоботи, дебитор-кредитор қарзлар ёйилмаси, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, даромадлар ва харажатлар ҳақида ҳисоботи ҳамда бошқа маълумотлари асосида аниқланади. Бундан ташқари лойиҳанинг самарадорлиги ва ўзини ўзи қоплаш коэффициентларига алоҳида эътибор қаратилади.

57. Банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий талаби бўлиб лойиҳа учун ишлаб чиқилган техник иқтисодий асослаш ҳамда таваккалчиликларнинг мақбуллигини баҳолаган ҳолда қайтаришлилик, муддатлилилик, мақсадлилилик ва ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади.

58. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция лойиҳалари хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобига молиялаштирилганда лойиҳа ташаббускорларининг ўз улушлари хорижий кредит линия шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

59. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция лойиҳалари банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганда лойиҳа ташаббускорларининг ўз улушлари лойиҳа умумий қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги шарт. Гаров сифатида тақдим қилинаётган ва лойиҳада иштирок этмайдиган мол-мулклар ёки гаров сифатида тақдим қилинаётган мулк учинчи шахсга тегишли бўлган ҳолларда бундай мулклар улуш сифатида эътироф этилмайди.

60. Янги ташкил қилинган хўжалик субъектларнинг лойиҳалари молиялаштирилганда лойиҳа ташаббускорларининг ўз улушлари лойиҳа қийматининг 40 фоизини ташкил этиши шарт.

61. Лойиҳа ташаббускорлари лойиҳани амалга оширишда бевосита иштирок этадиган бино, иншоотлар, техника ва технологиялар, ускуналар, лойиҳани тайёрлаш юзасидан амалга оширилган харажатлар ва пул маблағлари билан ўз улуши сифатида қатнашишлари мумкин.

62. Инвестиция лойиҳалари банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганда хўжалик юритувчи субъектларга кредитнинг айланма маблағлар (хом ашё, ёрдамчи материаллар, эҳтиёт қисмлар ва х.қ.) учун ажратиладиган қисми умумий ажратиладиган кредит суммасининг 25 фоизидан ошмаслиги шарт.

63. Инвестиция лойиҳалари хорижий кредит йўналишлари маблағлари ҳисобига молиялаштирилганда айланма маблағларни тўлдиришга ажратиладиган кредитнинг энг катта миқдори кредит йўналиши шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 110-сонли Қарорида белгиланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қарз олувчилар томонидан олинаётган кредитлар юзасидан тақдим этилаётган техник-иқтисодий асослар ёки бизнес-режаларнинг тузилиши ва таркиби ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши шарт. Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар бажарилишига доир қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

65. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган йирик инвестицион лойиҳалар бўйича ташаббускорлар томонидан тақдим этилган Техник-иқтисодий асослар (Техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) банк томонидан ижобий баҳоланган тақдирда ушбу лойиҳа юзасидан якуний лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатларини қоплаш учун (қарз олувчи томонидан ликвидли таъминотни тақдим этиш шарти асосида) банк кредит ажратиши мумкин. Ушбу мақсадга ажратилган имтиёзли кредит маблағлари лойиҳани молиялаштириш учун кейинчалик бериладиган кредитнинг умумий суммасига қўшилади.

66. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун кредит ҳисобидан сотиб олинаётган техникалар, асбоб-ускуна ва технологик линиялар бўйича тузилган шартнома шартларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига ҳамда сотиб олинаётган технологик ускунанинг бугунги кундаги жаҳон бозори нархларига тўғри келиши юзасидан мустақил консалтинг компаниясининг ижобий хулосаси ва/ёки сотиб олинаётган техника, асбоб-ускуна ҳамда технологик линиялар нархлари, қуввати ва сифати юзасидан камида 3та тегишли тижорат таклифларидан иборат бўлган рақобат варақаси тақдим этилиши лозим.

67. Инвестиция лойиҳасининг максимал муддати миқдор томонидан тақдим этиладиган ТИА (бизнес-режа)нинг реал қопланиш муддатига ва режалаштирилаётган пул оқимининг ҳажмига асосланиб, мақбул даражада белгиланиб, умумий муддати 7 йилдан ошмаган ҳолда режалаштирилиши лозим.

68. Бунда 7 йилдан ошган муддатга кредитлар Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари, баёнлари ва топшириқларига мувофиқ амалга оширилаётган ёки чет эл кредит йўналишлари ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар бўйича истисно сифатида ажратилиши мумкин.

69. Қишлоқ хўжалик корхоналарига замонавий техника ва технологиялар, инновацион ишланмалар, эртапишар, ҳосилдор уруғларни харид қилишга имтиёзли шартларда узоқ муддатли (7-10 йил) кредитлар ажратилиши мумкин.

70. Янги ташкил этилган ёки умуман фаолият олиб бормаган хўжалик субъектларига ажратиладиган инвестиция кредитларининг қўшимча (иккиламчи) таъминоти сифатида асосий таъсисчилар ва/ёки бошқа юридик шахсларнинг юқори ликвидли мол-мулкларининг гарови расмийлаштирилиши тавсия этилади.

71. Инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш муддати, кредитларни ажратиш ва мониторинг қилиш жараёни қарз олувчиларнинг тармоқ хусусиятлари, сўралаётган кредитнинг мақсади ҳамда ажратилаётган ресурсларнинг манбаларидан келиб чиққан ҳолда Марказий банк ва банкнинг кредитлаш юзасидан меъёрий ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

72. Иқтисодий ночор корхоналарнинг банк балансига қабул қилиниши, уларни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда салоҳиятли инвесторларга сотиш Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Банкрот корхоналарни тижорат банкларига аукцион ва танлов савдоларида сотиш тартиби”га асосан амалга оширилади.

### **3-§. Хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан халқаро кредит йўналишлари**

73. Халқаро кредит йўналишлари бўйича тартиб-қоидалар, назорат ҳамда фоизларни ундириш тартиби хорижий кредит йўналишини очиш юзасидан тузилган Бош битим (банклараро кредит шартномаси)дан келиб чиқади.

74. Таклиф этилаётган лойиҳани амалиётга татбиқ этиш учун хорижий кредит йўналишининг салоҳиятли қарз олувчилари бўлиб, илгари фаолият кўрсатган ёки янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда хорижий кредит йўналишлари шартларида кўзда тутилган бошқа юридик шахслар бўлиши мумкин.

75. Хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг муддатлари ва сўндирилиш жадвали, имтиёзли давр, фоиз ставкаси ҳамда кредитнинг минимал ва максимал ҳажми банк томонидан лойиҳанинг самарадорлиги бўйича ўтказилган таҳлил натижалари, лойиҳанинг хусусиятлари ҳамда хорижий кредит йўналишлари шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

76. Банк филиалларида хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш фаолияти Адлия вазирлигида 1999 йил 22 мартда 681-сон билан рўйхатга олинган “Инвестиция лойиҳаларини эркин айирбошланадиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3751-сонли Фармони ҳамда 2006 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-350-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда модернизация қилиш борасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳалар Жамғарма ва банк ўртасида тузилган Бош битим ҳамда ҳар бир алоҳида лойиҳа бўйича тузилган кредит шартномалари шартлари асосида молиялаштирилади.

78. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқаруви Кенгашининг 3-сонли баённомаси билан 2006 йил 27 октябрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш мезонлари, кўриб чиқиш тартиби, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлигида 1999 йил 22 мартда 681-сон билан рўйхатга олинган “Инвестиция лойиҳаларини эркин айирбошланадиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига асосан амалга оширилади.

#### 4-§. Хорижий валютада қайта молиялаштириш

79. Банк юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган ташқи савдо шартномалари ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликка мувофиқ хорижий валютада қайта молиялаштириш шарти билан (постфинансирование) аккредитив очиши мумкин.

80. Қайта молиялаштириш (аккредитив очиш) Марказий аппарат Кредит кўмитасининг қарорига асосан амалга оширилади.

81. Банк тизимида хорижий валютада қайта молиялаштириш банк Бошқаруви томонидан қонунчилик меъёри ва талаблари асосида ишлаб чиқиладиган алоҳида Низом билан тартибга солинади.

#### 5-§. Банкнинг фоиз сиёсати

82. Банкнинг фоиз сиёсати Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

83. Ссудалар бўйича фоиз ставкалар кредит ресурсларининг қиймати ва банк учун зарур бўлган маржани ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

84. Фоиз ставкалар аниқланишида қуйидагилар инобатга олинади:

- а) кредит сифатида берилётган ресурслар қиймати;
- б) кредитни тақдим этиш билан боғлиқ банк харажатлари ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати;
- в) берилётган кредитнинг тармоқ хусусусиятлари, таваккалчилик ва таъминланганлик даражаси.

85. Ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўзгартиришга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ёки молия бозори ставкаларининг ўзгариши, кредит портфелига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ банк харажатларининг ошиши ва бошқа сабаблар асос бўлиши мумкин.

86. Кредит шартномаларида томонлар келишуви асосида таваккалчилик даражаси билан боғлиқ равишдаги фоиз ставкасининг ўзгариши эҳтимоли кўзда тутилиши мумкин. Таваккалчилик даражасининг ўзгаришига мижоз молиявий ҳолатининг ёмонлашуви, пул оқимларининг бузилиши, кредитланаётган тармоқ ва ҳудуд билан боғлиқ кўшимча таваккалчиликларнинг вужудга келиши сабаб бўлади.

87. Банк ресурсларининг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлигининг таъминланиши банкнинг актив операциялар бўйича фоиз ставкаларни бошқариш механизмига боғлиқ. Бунда актив операциялар бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкалар кредит ресурсларининг қиймати ҳамда мақбул даражада фойда олиш учун етарли бўлган фоиз маржасининг йиғиндисидан иборат.

88. Мижознинг олинган таълим кредитига ҳисобланган фоизлар бўйича уч ойгача муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда ўқув йилининг иккинчи ярми ва ундан кейинги даврларга таълим кредити тақдим этилмайди.

#### 6-§. Фоизларни ўстирмаслик

89. Фоизларни ўстирмаслик сиёсати Адлия вазирлигида 2004 йил 24 январда 1304-сон билан рўйхатга олинган “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.



## 7-§. Молиявий ахборот

90.Кредитни баҳолаш учун кредит таваккалчиликларини мақбул даражада баҳолаш имконини берувчи қарз олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги талаб этилади.

91.Қарз олувчи ҳақидаги молиявий маълумотлар қуйидаги ҳужжатлар асосида ўрганилиши лозим (янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно):

а)қарз олувчининг давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ва дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл) (янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно);

б)махсус лицензияга эга бўлган мустақил аудит ташкилоти томонидан аудит қилинган ҳисоботлар (молиявий ҳисобот) ва фойда ҳамда зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар;

в)кредитланадиган тадбирнинг синчковлик билан ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бизнес-режа. Қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режада буюртмалар портфелининг таркиби ҳамда банк кредитидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар бозорининг мавжудлиги асосланган бўлиши зарур. Бундан ташқари банк кредитидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар бозори мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари мавжуд бўлиши лозим;

г)кредитланадиган битимларни тасдиқловчи шартнома (контракт)нинг нусхалари;

д)гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг рўйхати, ушбу мол-мулкларнинг мавжудлиги ва гаров қўювчига тегишли бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки кафил/кафолат берувчи субъектларнинг ушбу кафиллик/кафолатни бериш тўғрисидаги ишонч хати, гаров мулк эгасининг розилиги (қонун талаблари асосида);

е)суғурта компаниясининг гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилишга розилиги тўғрисидаги хати;

ё)қарз олувчининг валюта ҳисобварағида пул маблағлари мавжудлиги ҳақидаги ваколатли банкнинг маълумотномаси (агар ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақлари турли банкларда очилган бўлса);

ж)кредит муносабатларини ташкил этиш учун зарур бўлган статистик ҳисоботлар, прогноз тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда ахборот маълумотлари;

з)жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар бўйича мижоз ва унга кафиллик берувчи жисмоний шахснинг даромад манбаларининг ҳақиқийлиги ўрганилади;

и)зарурат туғилганда бошқа маълумотлар.

92.Қарз олувчи томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичлар шубҳа туғдирган тақдирда уларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида банк филиали тегишли Давлат солиқ инспекцияси идораларидан мижознинг топширган молиявий ҳисоботи нусхаси ёки ундан кўчирмасини олиш учун ёзма мурожаат қилиши мумкин.

93.Жисмоний шахсларга ипотека ва истеъмол кредитлари берилиши жараёнида қарз олувчиларнинг солиқ органларидан қарзлари (ёки солиқ мажбуриятлари) йўқлиги тўғрисидаги маълумотномалар олиниши зарур (энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан ошмаган миқдордаги истеъмол кредитлари бундан мустасно).

94. Аудиторлик текширувларидан ўтказилган молиявий ҳисоботларни, нақд пул оқими ва бошқа маълумотлар бўйича ҳисоботларни қарз олувчи томонидан тақдим этиш муддатлари кредит шартномасида кўрсатилиши лозим.

95. Ипотека ва истеъмол кредитини олиш учун жисмоний шахслар банк филиалига Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонун ҳамда Адлия вазирлигида 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхатга олинган “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида Низом”да кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади.

96. Кичик тадбиркор субъектлар миллий валютада кредит олиш учун банк филиалига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан рўйхатга олинган “Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом”да назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

97. Мижоз кредит буюртмасининг кўриб чиқилиши жараёнида жорий матбуот, реклама эълонлари, қарз олувчининг ҳамкорлари, бошқа банклар, кредит агентликлари ва бошқа шу сингари ташқи манбалардан фойдаланиши мумкин.

98. Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилган тақдирда банк ссуда берилгунга қадар қарз олувчининг корхонаси (хўжалиги)да ҳисоб юритилишининг аҳволи, баланс маълумотларининг ҳаққонийлиги, товар-моддий бойликларнинг реал мавжудлиги, уларнинг сақланиш шароитларини жойида ўрганиши лозим.

99. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига асосан Кредитлар ахбороти миллий институти (КАМИ)га ва кредит бюроларига кредит бўйича тегишли маълумотларни банк филиаллари томонидан тақдим этилиши ҳамда маълумотлар алмашинуви таъминланиши лозим.

100. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит ажратиш тўғрисидаги буюртмалари банк филиали Кредит комиссияси йиғилишида кўриб чиқилишидан аввал “Кредит ахбороти миллий институти” ва кредит бюроларининг маълумотлар базасидан қарз олувчининг кредит тарихи тўғрисидаги ахборот олиниши зарур.

101. Ҳар бир қарз олувчи бўйича очилган кредит йиғмажилдида Кредит ахбороти миллий институти ва кредит бюросидан олинган маълумотлар асосида миждознинг кредит тарихи таҳлиliga боғлиқ ҳужжатлар бўлиши тавсия этилади.

### **8-§. Кредит таъминотига қўйиладиган талаблар**

102. Банк тизимида кредитлар Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига биноан мол-мулк гарови, банк ва суғурта ташкилотларининг кафолати, учинчи шахслар кафиллиги ҳамда кредитларни қайтмаслик хавфини суғурталаш мажбуриятлари сифатидаги таъминот турлари мавжуд бўлгандагина берилади.

103. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонунига асосан банк томонидан ажратилган кредитлар бўйича расмийлаштирилган гаров таъминоти тўғрисида маълумотлар “Гаров реестри” давлат унитар корхонасининг [www.garov.uz](http://www.garov.uz) сайтига киритилади.

Маълумотларнинг ушбу сайтга киритилиши қарздорнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади ва бу ҳолат кредит шартномасида акс эттирилади.

104.Кредитларнинг таъминотига қуйидагилар расмийлаштирилиши мумкин:

- а)омонатлар ва депозитлар гарови;
- б)транспорт воситалари гарови;
- в)қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари гарови;
- г)кўчмас мулк гарови;
- д)асосий воситалар гарови;
- е)давлат қимматли қоғозлари гарови;
- ё)банклар ва суғурта ташкилотларининг кафолати;
- ж)гадбиркорлик хатари ёхуд шартнома бўйича жавобгарлик суғуртаси;
- з)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кафолати;
- и)суғурта компаниясининг суғурта полиси;
- й)ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи;
- к)қишлоқ хўжалик маҳсулотининг келгуси йил ҳосили гарови;
- л)учинчи шахс кафиллиги/кафолати;
- м)ер участкаларига бўлган мулкый ҳуқуқлар гарови;
- н)қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа мол-мулклар гарови.

105.Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 майдаги “Давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар тоифалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 114-сонли Қарорига асосан қуйидаги мулклар гаров предмети бўла олмайди:

- а)Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ер ва ер ости бойликлари;
- б)Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг архивлари, фондлари;
- в)муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;
- г)Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси халқаро захиралари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат мақсадли фондлари маблағлари, халқаро операциялар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;
- д)пул белгиларини, қимматли қоғозларни, орденларни ва медалларни ишлаб чиқаришни таъминловчи давлат корхоналари ва объектлар;
- е)Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, объектлари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунига қадар, шунингдек саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);
- ё)ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи давлат корхоналари ва давлат объектлари;
- ж)радиоактив моддаларни кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи давлат корхоналари ва давлат объектлари;
- з)қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи давлат корхоналари ва давлат объектлари;

и) овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, шунингдек тиғқурол (совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи давлат корхоналари ва давлат объектлари;

й) кучли таъсир этадиган захарлар, гиёҳвандлик моддалари ва захарли моддалар ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва захарли моддалар бўлган экинлар экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи давлат корхоналари;

к) Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари;

л) фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик мақсадидаги объектлар ҳамда мол-мулк;

м) атом энергетикаси объектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат корхоналари ва объектлар;

н) портлаш хавфи бўлган ва захарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат корхоналари ва объектлар;

о) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

п) санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюрolari. Атроф-муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар;

р) жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, корхоналари ва объектлари;

с) Махсус вазибаларни бажарадиган корхоналар ва объектлар (Республика махсус алоқа узели, 15361-ҳарбий қисм, Электромагнит мослик маркази);

т) қабристонлар;

у) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар;

ф) муомаладан олиб қўйилган ва ўзгага берилмайдиган ашёлар, шунингдек бошқа шахсга берилиши қонунда ман этилган талаблар;

х) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан уларга нисбатан гаров ва ипотека қўлланилишига йўл қўймайдиган бошқа объектлар.

106. Кредит таъминоти сифатида депозитлар, суғурта полислари ёки бошқа таъминот турлари расмийлаштирилганда ушбу таъминот асосида ажратилаётган кредит ҳамда таъминоти муддатларининг ўзаро муносиблиги таъминланиши лозим.

Бунда, суғурта компанияларининг кредитларни қайтарилмаслик хатарини суғурта полислари қарз олувчига ажратилаётган кредит таъминоти суммасининг 50 фоизигача бўлган миқдорини ташкил қилиши тавсия этилади. Суғурта компанияларининг суғурта полислари кредитларни қайтмаслик хатари бўйича етарли суғурта захирасига эга бўлган тақдирда таъминотга қабул қилиниши мумкин.

107. Кредит таъминотига суғурта компанияларининг суғурта полислари расмийлаштирилишидан аввал уларнинг молиявий ҳолатини барқарорлиги тўғрисида маълумот ёки юқори рейтинг даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар ва фаолияти юзасидан тегишли лицензияси тақдим этилиши зарур.

108. Кредит таъминоти сифатида кўчмас мулк, асосий воситалар, шунингдек транспорт воситалари, ўзи юрар кишлоқ хўжалик техникаси ва товар-моддий бойликлар гарови расмийлаштирилганда мулк эгасидан ушбу мол-мулкларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, ҳисобининг (Давлат солиқ инспекциясидан ўтказилган бухгалтерия балансларида) ўрнатилган тартибда юритилиши ҳамда уларга нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, техник шартлари кўрсатилган паспортлари ва ушбу мол-мулклар белгиланган тартибда ваколатли органлар (Давлат кадастри, “Ўздавлаттехназорат”

инспекцияси ва бошқалар) рўйхатида турганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотлар мажбурий тарзда олиниши шарт.

109.Жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган истеъмол ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига асосан таълим кредитлари мижознинг кредитга лаёқатлилиги ва ижобий кредит тарихига мувофиқ 3-шахс кафиллиги асосида ажратилиши мумкин.

110.Кафил субъектлар тўлов қобилиятини таҳлил қилиш мобайнида баланснинг ноликвидлиги ёки зарар билан ишлаётганлиги аниқланса, шунингдек жами активлари бериладиган кафиллик суммасидан кам бўлса ёхуд ўз мажбуриятларида банк кредитларидан қарздорлиги бериладиган кафиллик суммаси билан бирга жами активларидан ортган ҳолда уларнинг кафиллиги кредит таъминоти сифатида қабул қилинмайди.

Бунда Ҳукуматнинг қарорлари, баёнлари ва топшириқлари асосида банк кредити ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича истисно қилиниши мумкин.

111.Кафиллик асосида ажратилган кредитларнинг мониторинги натижасида кафил субъектнинг тўлов қобилияти ёмонлашганлиги, яъни сўнгги молиявий ҳисоботлари бўйича баланснинг ноликвидлиги ёки зарар билан ишлаб келаётганлиги аниқланган тақдирда, ажратилган кредитнинг таъминотига бошқа таъминот тури расмийлаштирилади ёки кредит муддатидан олдин сўндирилади.

112.Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида” ва “Гаров тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли фармонида асосан ликвидли мол-мулк, реал қимматликларни гаровга олган ҳолда ссудалар берилгунга қадар ҳамда кредитлаш жараёнида уларнинг мавжудлиги, яроқлилиги ва сақланганлиги жойида ўрганилади.

113.Гаров кредитни қайтаришнинг ягона манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Кредитни қайтаришнинг асосий манбаси тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолияти давомида олган молиявий даромадлари, жисмоний шахслар учун эса уларнинг меҳнат фаолияти давомида олган барча даромадлари ҳисобланади.

114.Марказий банкнинг 2012 йил 20 мартдаги 2344-сонли “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом” талаблари бўйича ажратиладиган кредитлар мижознинг даромади мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар берилишидан келиб чиқиб, ушбу ссуданинг қайтарилиш манбасини таъминлаш мақсадида кредит таъминотига даромад манбасига эга бўлган камида 2 (икки) та жисмоний шахснинг кафиллиги тақдим этилиши тавсия этилади.

115.Жисмоний шахсларга бир ойлик энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан юқори миқдорларда ажратиладиган кредитлар таъминотига тез сотилувчи ликвидли мол-мулк гарови талаб қилиниши тавсия этилади.

116.Гаров сифатида олинган мулкка эгалик қилаётган ваколатли органнинг тегишли рухсатномаси олиниши тавсия этилади (агар давлат улуши бўлса – Давлат рақобат кўмитасининг рухсатномаси, агар акциядорлик жамиятининг мулки бўлса Устав бўйича ваколат берилган ваколатли орган, бошқа мулкчилик шаклларида корхона Уставида кўрсатилган ваколатли орган қарори).

117.Банк филиалларида кредитлар ажратилганидан сўнг қабул қилинган таъминотнинг жорий ҳолати, етарлилиги ва ликвидлилиги юзасидан мониторинг филиалнинг бириктирилган кредит ходимлари томонидан чоракда бир марта ўтказилади ҳамда натижаси бўйича далолатнома тузилади.

118.Узоқ муддатли кредитларга расмийлаштирилган таъминотнинг қиймати ва кредитнинг тўловлар бўйича жорий қарздорлигига етарлилиги йилида камида бир марта қайта баҳоланиб, тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

119.Кредит қарздорлигини қоплаш учун таъминотнинг етарлилиги, жорий бозор ўзгаришларига мувофиқ қайта баҳоланиши бўйича назорат филиал бошқарувчиси, бошқарувчи ўринбосари ва тегишли кредит ходими зиммаларига юклатилади.

### 9-§. Суда ҳажмининг гаров қийматига нисбати

120.Ажратилаётган кредитлар ҳамда банк кафолатлари бўйича (ипотека кредитлари бундан мустасно) гаровга олинган мулкнинг турига қараб кредит ҳажмининг ёки кафолат суммасининг гаров қийматига нисбати қуйидагилар билан тавсифланади:

<b>Мол-мулклар тури</b>	<b>Жорий бозор баҳоларида</b>
1. Кўчмас мулклар	- 60 % гача
2. Транспорт воситалари*:	
а)Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари:	
- ишлаб чиқарилган муддати 2 йилгача	- 80% гача
- ишлаб чиқарилган муддати 3 йилгача	- 70% гача
- ишлаб чиқарилган муддати 3 йилдан ошган	- 60% гача
б)Чет эл ва МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган транспорт воситалари**	- 60% гача
3.Ўзи юрар қишлоқ хўжалик техникаси ва қурилиш машиналари	- 60 % гача
4.Асбоб-ускуналар (дастгоҳлар, қурилмалар, технологик линиялар, ўзи юрмайдиган қишлоқ хўжалик техникаси)	- 60 % гача
5.Чет эл кредит линиялари орқали олинган товар-моддий бойликлар (лойиҳа амалга ошириладиган ишлаб чиқариш бино-иншоотлар билан бирга тақдим қилинганда)	- 70 % гача
6.Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари (лом нархида баҳоланган)	- 90% гача
7.Ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқлари (имтиёзли кредитларга)	- 60 % гача
8. ДҚҚ (Давлат қимматли қоғозлари)	- 90-100% гача
9.Омонат ва депозитлар (нақд пул, Агробанк ва бошқа банкларда сақланаётган омонат ва депозитлар сўм ва эркин айирбошланадиган валютада)	- 100 % гача
10.Суғурта компанияси ёки банклар кафолати	- 100 % гача

*Изоҳ:\**-Транспорт воситалари гаровини фақат 3 йил муддатгача ажратиладиган кредитлар бўйича расмийлаштирилиши тавсия этилади.

*\*\**-Чэт эл, МДХ давлатларида ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, фойдаланиши муддати 10 йилдан ошган авто ҳамда мото транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик техникаси ва қурилиш машиналари ноликвид ҳисобланиб, кредит таъминоти сифатида гаровга олинмайди.

121.Кредит ҳисобидан сотиб олинаётган мол-мулклар гарови кредит таъминотига расмийлаштириладиганда мазкур Сиёсатнинг 116-бандида белгиланган фоизларга асосланилади.

122. Тақдим этиладиган ссудаларнинг ҳажми кредит таъминотининг турига кўра қуйидаги салмоқдан ошмаслиги шарт:

Таъминот тури	Ссуда ҳажми
1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва бошқа тижорат банклари ёки чет эл банклари кафолатлари	- 100 %
2. ДҚҚ (Давлат қимматли қоғозлари), банклардаги депозитлар	- 100 %
3. Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари	- 90 %
4. Кўчмас, кўчар мулклар, транспорт воситалари, миждоз ёки учинчи шахсларнинг товар-моддий заҳиралари	- 80%
5. Учинчи шахс кафиллиги/кафолати*	- 30 %

*Изоҳ: \*) Учинчи шахслар кафиллиги/кафолати билан ажратилаётган кредитлар бўйича банк таваккалчиликларини камайтириши мақсадида кредит миқдорининг камида 70 фоизи миқдориди бошқа таъминот тури қўшимча расмийлаштирилиши лозим.*

123. Ушбу талаб қуйидаги миждозларга ажратилаётган кредитларга нисбатан қўлланилмайди:

а) Ҳукуматнинг махсус қарорлари, баёнлари ва топшириқлари асосида ажратилаётган кредитлар ва амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича;

б) қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда қайта ишлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари бўлган “Ўзпахтасаноат” уюшмаси, “Ўздонмахсулот” ва “Ўзкимёсаноат” компанияси тизимида кирувчи молиявий барқарор корхоналарга уларнинг ушбу тизим ташкилотлари кафиллиги асосида ажратилаётган кредитлар бўйича;

в) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига асосан жисмоний шахсларга ажратилаётган таълим кредитлари ҳамда 2012 йил 17 апрелдаги 111-сонли қарорига асосан энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бериладиган истеъмол кредитлари бўйича.

124. Кредит таъминотини баҳолаш жараёнида қарз олувчининг гаровга бериладиган мол-мулклар қиймати юзасидан махсус лицензиясига эга бўлган мустақил баҳоловчи компаниянинг хулосаси олиниши лозим.

125. Мустақил баҳоловчи компаниянинг хулосаси асосида гаровга таклиф этиладиган мол-мулкларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, кредит суммасига етарлилиги филиал бошқарувчиси ҳамда масъул ходим томонидан ўрганилиб, натижаси бўйича бошқарувчи, қарз олувчи ва гаровга қўювчи тарафларидан уч (ёки икки) томонлама имзоланган ҳолда баҳо белгиланади ва келишув далолатномаси филиалда тегишли тартибда расмийлаштирилади.

Ушбу далолатномада баҳолашни амалга оширган мустақил баҳоловчи лицензиясининг ҳақиқийлиги, гаровга олинаётган мол-мулкларнинг махсус тавсифлари (эгалари, ишлаб чиқариш (қурилиш) йиллари, жорий ҳолати, бозордаги реал қиймати, истиқболда сотила олиниши), сўралаётган кредит суммасига етарлилиги ва таҳлил жараёнида фойдаланилган маълумотлар манбалари аниқ кўрсатилади.

126. Гаровга олинаётган мулкларга нисбатан гаров ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан сўнг банк томонидан кредит таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин.

127.Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилаётганда уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун ваколатли органларнинг хулосаси олиниши зарур.

128.Транспорт воситаларини (автотранспорт, ўзи юрар қишлоқ хўжалик техникаси, қурилиш машиналари ва ҳ.к.з.) гаров сифатида расмийлаштириш жараёнида уларнинг ликвидлиги (тез сотилувчанлиги), янги техникаларнинг амортизация нормалари биринчи навбатда ҳисобга олиниши, бошқа техникалар, технологиялар ва машиналар бўйича эса уларнинг яроқлилиқ ҳолатига ҳамда сўраладиган кредит муддатига асосланиш лозим.

129.Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан фуқароларнинг яшаши учун зарур бўлган ягона турар-жойлари ва уй жиҳозлари, шунингдек тез бузиладиган маҳсулотлар гаровга олинмайди (ипотека кредитлари бўйича расмийлаштирилаётган таъминот бундан мустасно).

130.Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бўлғуси йил ҳосили ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олиш Адлия вазирлигида 2004 йил 16 апрелда 1337-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги Низом” ва 2004 йил 30 апрелда 1345-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

131.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПФ-3780-сонли Фармони ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 26 августдаги 21/2 сонли қарорига мувофиқ кредит таъминоти сифатида олинган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи банкка ўрнатилган тартибда ўтказилган ҳолатларда ушбу ер участкаларига мулк ҳуқуқи банкка ўтган вақтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан сотувга қўйилиши шарт.

132.Ундирув Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида” ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда гаров ва ипотека шартномалари талабларига риоя қилган ҳолда гаров мулкларига нисбатан амалга оширилади.

133.Банк қарздорнинг пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда кредит бўйича қарздорликни Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарорига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган ва нотариал тасдиқланган ёзма битим асосида қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига ёхуд ундирувни суд тартибида қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтаришга ҳақлидир.

134.Кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги банк ва қарз олувчи ўртасидаги ёзма битим кредит ҳамда фоиз тўловлари юзасидан қарз тўлиқ қайтарилгунга қадар тузилиши мумкин.

## **10-§. Банкка дахлдор шахсларга кредит ажратилиши**

135.Банкка дахлдор шахслар (инсайдерлар)ни кредитлаш жараёни Адлия вазирлигида 2015 йил 5 августда 2706-сон билан рўйхатга олинган “Банкка алоқадор шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

136.Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига асосан банкка алоқадор шахсларга кредитлар банк Кенгашининг қарорига асосан берилади.



137.Банкка алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси банкнинг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

138.Банкнинг барча алоқадор бўлган шахсларига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси банк биринчи даражали капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

#### **IV Боб. Кредитларга хизмат кўрсатиш**

1-§.Кредит йиғмажилди

2-§.Кредитларни таснифлаш

##### **1-§. Кредит йиғмажилди**

139. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонун, Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 906-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом” ҳамда 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхатга олинган “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида Низом”, 2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан рўйхатга олинган “Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ ҳар бир берилган кредит учун кредит йиғмажилди юритилади.

140.Кредит йиғмажилди кредит шартномаларини имзолаш ёки тасдиқлаш кунда очилади ҳамда асосий қарз ва фоизлар бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилганидан сўнг ёпилади.

141.Банкнинг филиали ўз ваколатидан юқори лойиҳалар бўйича тўлиқ шакллантирилган йиғмажилдларни ҳудудий бошқарма Кредит комиссиясига тақдим этган ҳолатда, ушбу бошқарма Кредит комиссияси уни ўз йиғилишида муҳокама қилиб, кўриб чиққанидан сўнг йиғмажилд қарордан кўчирма билан биргаликда филиал кассасида сақлаш учун филиалга қайтарилади.

Йиғмажилд амалдаги тартибларга биноан банк кассасида сақланишига филиал бошқарувчиси, бошқарувчи ўринбосари, ушбу лойиҳа бўйича кредит бўлими масъул ходими ҳамда касса мудири шахсан жавобгардир.

142.Кредит йиғмажилди ҳужжатлари банк кассасига 1 сўм қийматида баланسدан ташқари тегишли ҳисобварағига кўзда тутилмаган вазиятлар бўйича кирим касса ордери орқали кирим қилинган ҳолда сақланади.

143.Кредит йиғмажилди ва кредит таъминоти ҳужжатларини банк кассасига кирими ҳамда кассадан чиқим қилиниши фақат Кредит бўлими бошлиғи томонидан расмийлаштирилган ва филиал бошқарувчиси томонидан имзоланган хизмат фармойиши асосида кўзда тутилмаган вазиятлар бўйича касса ордерлари орқали амалга оширилади.

144.Кредит бўлими бошлиғи томонидан кассага кредит йиғмажилдларини топшириш ва кассадан олиш жараёни алоҳида китобда юритилади ва ушбу китобга йиғмажилдларни кассадан олиш вақтлари, сабаблари, кассага топшириш муддатлари ҳамда масъул ходимлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

145.Кредит йиғмажилдлари кассадан вақтинча олинганда, агар бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, шу куннинг ўзида кассага қайта топширилиши шарт. Бунга

филиал кредит бўлими бошлиғи, касса мудири ва филиал бошқарувчиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

146.Мижозларга ажратилган кредитлар бўйича очилган кредит йиғмажилдларидаги ҳужжатларнинг Марказий банкнинг кредитлашга оид меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички кредит тартиботлари талабларига асосан расмийлаштириш ва банк ҳисоботида тўғри акс эттириш жавобгарлиги банк филиалларининг масъул кредит ходимлари, назорати эса филиаллар бошқарувчилари зиммаларига юклатилади.

147.Ажратилган кредитлар сифатини аниқлаш ва эҳтимолий зарарларни қоплаш учун етарли миқдорда захира яратиш мақсадида банк филиалларида ажратилган кредитлар бўйича расмийлаштирилган кредит йиғмажилдларининг бутлиги, кредит таъминотининг ҳолати ҳамда кредитларнинг ўз вақтида сўндирилиши ҳар чоракда бир марта филиаллар ва ҳудудий бошқармаларнинг масъул ходимларидан ишчи гуруҳи тузилиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилади, натижалари умумлаштирилган ҳолда ҳудудий бошқармаларнинг тегишли кредитлаш бўлимлари ҳисоботлари билан бирга вилоят бошқармаси Кредит комиссиясида муҳокама қилинади.

## **2-§. Кредитларни таснифлаш**

148.Кредитларни таснифлаш Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

149.Кредитларнинг таснифи масъул кредит ходими томонидан мунтазам равишда қайта кўриб чиқиши ҳамда зарур бўлганда улар қайта таснифланиши лозим. Активлар бўйича эҳтимолий зарарни қоплаш учун захиранинг етарлилиги ва зарур ҳолатларда қўшимча захира ташкил қилишнинг таҳлили ойда 1 мартадан кам бўлмаган даврийликда амалга оширилади.

150.Банк филиалининг кредит портфелида мавжуд бўлган ҳар бир кредит (факторинг, лизинг)нинг ҳолати Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган Низом талаблари асосида таҳлил қилинади ҳамда натижаларига кўра уларга “стандарт”, “субстандарт”, “қоникарсиз” “шубҳали” ёки “умидсиз” таснифи берилади. Тегишли миқдорда захиралар яратилиши тўғрисида филиал Кредит комиссиясининг мажлис баёни расмийлаштирилади.

151.Кредит бўлими томонидан ушбу баёнлар асосида таснифланган кредитларга тегишли миқдордаги захиралар филиалда ўрнатилган тартибда яратилади. Эҳтимолий йўқотишларга захиралар ўз вақтида ҳамда тўғри ташкил этилиши юзасидан ҳудудий бошқармалар ва тасарруфларидаги филиаллар раҳбарлари, уларнинг Кредит комиссиялари аъзолари жавобгардир.

152.Кредит қўйилмаларининг таснифи бўйича “умидсиз” деб топилган кредитларни банкнинг баланс ҳисобидан чиқарилиши банк Бошқарувининг қарорига асосан Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган Низом талабларига биноан тегишли Кредит комиссияларининг қарорлари, Марказий аппаратнинг кредитлаш тармоқ тузилмалари ва Юридик хизмат департаментининг хулосалари ҳамда банкнинг Кредит қўмитаси қарори асосида амалга оширилади.

153.Қарз олувчиларга ажратилган кредитлар муддатини банкнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тасарруфларидаги филиаллар томонидан узайтирилиши

кечиктирилган муддат даврида қайтарилиши учун маблағлар тушумининг аниқ манбалари бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

154.Банклараро хорижий кредит йўналишлари бўйича берилган кредитларга захиралар кредит йўналиши валютасида банкнинг ўз валюта маблағлари ҳисобидан ташкил этилади.

## **V Боб. Кредит портфелини бошқариш**

- 1-§.Кредит портфелининг диверсификацияси
- 2-§.Банк кредит портфелининг аудити
- 3-§.Кредит ва лизинг операциялари бўйича чекловлар
- 4-§.Банк кредит портфелининг умумий ҳажмига чекловлар
- 5-§.Кредит таваккалчилигини бошқариш
- 6-§.Кредитларнинг турлари

### **1-§. Кредит портфелининг диверсификацияси**

155.Банк кредит портфелининг диверсификацияси деб кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, қарз олувчилар гуруҳлари ҳамда кредит турлари бўйича самарали тақсимланиши тушунилади. Диверсификациянинг асосий мақсади - банк томонидан ажратилаётган кредитларни турли тармоқларга оптимал тақсимлаш орқали таваккалчилик даражасини минималлаштиришдир.

156.Кредит портфелини бошқариш ва кредитлар қайтарувчанлигини мониторинг қилиш юзасидан чора-тадбирлар банк Кредит қўмитаси ва комиссияларининг раҳбарлигида амалга оширилади.

157.Кредит қўйилмаларининг иқтисодий тармоқлар, ҳудудлар, қарз олувчилар бўйича диверсификацияси кўп жиҳатдан банк кредит портфелини бошқаришнинг зарурлиги билан белгиланади.

158.Кредит портфели диверсификацияси қуйидаги тўпланувларни ўз ичига олади:  
 а)бир қарз олувчига ажратилган ссудалар;  
 б)ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига ажратилган ссудалар;  
 в)бир иқтисодиёт тармоғига боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи қарз олувчиларга ажратилган ссудалар.

159.Банк томонидан ажратилаётган кредитларнинг умумий ҳажми банкнинг тасдиқланган йиллик бизнес-режаси параметрлари асосида белгиланади.

160.Иқтисодий секторнинг алоҳида корхоналарига бериладиган кредитларнинг умумий ҳажми (банкнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарига, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ажратилган ссудалар ҳамда марказлаштирилган жамғармалар ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар бундан истисно) банк кредит портфели умумий ҳажмининг 20 фоизидан ошмаслиги тавсия этилади.

161.Таваккалчиликни чегаралаш бўйича белгиланган меъёрларга риоя этиш шароитида Адлия вазирлигида 2015 йил 13 августда 2709-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом”га асосан ликвидлилик меъёрларига ва 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар

тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ капиталнинг етарлилик коэффициентига катъий риоя этилиши зарур.

162.Таснифланган кредитлар (қарз олувчи, соҳа, кредит мақсадлари, таъминот тури ва бошқа шу кабилар бўйича) маълум бир даражадаги таваккалчилиги билан характерланади.

## **2-§. Банк кредит портфелининг аудити**

163.Кредит таваккалчилигини бошқариш бўйича ишларнинг ушбу Сиёсат ҳамда кредит тартиботларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудит текширувлари давомида банк кредит портфели текширувдан ўтказилади.

164.Банкнинг Ички аудит хизмати томонидан банк филиалларида режа асосида ўтказиладиган текширувларда, шунингдек банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларини ташқи аудитдан ўтказишда кредит портфели таҳлил қилиниб, кредитлар Марказий банк ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига амал қилинган ҳолда ажратилганлиги, кредит портфелининг белгиланган тартибда таснифланиши, муддати ўтган ва суд жараёнидаги кредитларни ундириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилади.

165.Текширув жараёнида қуйидагилар ўрганилади:

а)кредитларнинг сифати, шу жумладан муаммоли кредитларни баланснинг тегишли ҳисобварақларида акс эттирилиши ҳамда улар учун белгиланган тартибда захиралар шакллантирилганлиги;

б)кредитлаш борасида ваколатларга риоя этилиши;

в)расмийлаштирилган кредит ҳужжатлари, уларнинг молиявий таҳлили, гаровни баҳолаш ва расмийлаштириш тадбирларини амалга оширишда тасдиқланган Сиёсат ҳамда ўрнатилган қонунчилик меъёрларига риоя этилиши.

166.Ички аудит хизматининг банк Кенгашига тақдим этиладиган чорак ҳисоботларида банк филиалларида ўтказилган текширувларга асосланган ҳолда кредит портфели ҳолати тўғрисидаги маълумотлар бериб борилади.

## **3-§. Кредит ва лизинг операциялари бўйича чекловлар**

167.Кредитнинг энг катта суммаси амалдаги банк қонунчилиги билан тартибга солинади. Бир қарз олувчи ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига ва банкка дахлдор шахсларга кредитлар Адлия вазирлигида 2015 йил 5 августда 2707-сон билан рўйхатга олинган ҳамда 2015 йил 5 августда 2706-сон билан рўйхатга олинган Низомларда баён қилинган шартларга амал қилинган ҳолда берилади.

168.Банкнинг бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

169.Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таъминланмаган кредит (эътимодли кредит), шунингдек факторинг хизматлари учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори банк биринчи даражали капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур.

170.Банк томонидан мижозларга кўрсатилган лизинг хизматларининг умумий ҳажми банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

171.Бир қарз олувчи ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори (балансдан ташқаридаги мажбуриятлари билан

биргаликда) биринчи даражали банк капиталининг 10 фоизидан ошган тақдирда ушбу кредитлар йирик кредитлар деб ҳисобланади.

Барча йирик кредитларнинг умумий миқдори банк биринчи даражали капиталига нисбатан 8 мартадан ошмаслиги шарт.

#### **4-§. Банк кредит портфелининг умумий ҳажмига чекловлар**

172. Банк филиали умумий кредит қўйилмаларининг ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи (балансдан ташқаридаги кредитлар билан биргаликда) 5 фоиздан ошиб кетса, унда муддати ўтган кредитлар ҳажми камайгунга қадар кредитлаш жараёни мазкур филиалда вақтинча тўхтатилиши мумкин.

#### **5-§. Кредит таваккалчилигини бошқариш**

173. Кредит таваккалчилигини бошқаришнинг асосий мақсади – банкнинг кредитлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида мавжуд усуллардан оқилона фойдаланган ҳолда кредит портфелини диверсификациялаш, самарали бошқариш ҳамда унинг сифатини оширишдан иборатдир. Бунда банкнинг кредитлаш билан бевосита шуғулланувчи таркибий тузилмалари томонидан қуйидаги вазифалар бажарилади:

а) ўз йўналишида ажратилган кредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларни сўндириш графикларига асосан ундириб бориш;

б) кредитларнинг таъминланганлигини мониторинг қилиш;

в) кредитларнинг қайтарилувчанлик даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш.

174. Қарз олувчининг кредит таваккалчилиги даражасини камайтириш ва кредитлар қайтарувчанлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган инструментларга қуйидагилар киради:

а) банкни қарз олувчининг фаолияти тўғрисидаги маълумот билан таъминлашни яхшилаш усуллари;

б) миқдорнинг банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга тайёрлик даражасини оширувчи омиллар;

в) банк ва қарз олувчи ўртасида қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларини бажариш имкониятларини кўтаришга қаратилган ҳамкорликни ташкил этиш;

г) жисмоний шахсларни кредитлашда скоринг тахлилий маълумотларни инобатга олиш;

д) босқичма-босқич кредитлаш.

175. Кредитларни ажратиш жараёнида таваккалчилик даражасини камайтириш мақсадида “Кредит ахбороти миллий институти” ва кредит бюрларининг маълумотлар базасидан олинаётган ахборотлар асосида қарз олувчиларнинг кредит тарихи ва бошқа банклардан қарздорлиги банк томонидан таҳлил қилинади.

#### **6-§. Кредитларнинг турлари**

176. Банкнинг кредит портфели кредитларнинг қуйидаги турларидан шакллантирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида чора-тадбирлари ҳамда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий дастурларини амалга оширилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун бериладиган мақсадли кредитлар;

б) тижорат кредитлари;

в) синдициялашган кредитлар;

г)хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан эркин айирбошланадиган валютада бериладиган кредитлар.

177.Кредитлаш чоғида банк умум қабул қилинган халқаро тартиб-қоидаларга амал қилади ҳамда кредит портфелини куйидаги кўринишда таснифлайди:

- а)халқ хўжалик тармоқлари;
- б)мақсадлари;
- в)фойдаланиш муддатлари;
- г)таъминланиш шакли;
- д)фоиз ставкасининг турлари ва даражалари, тўлов манбалари ҳамда фоизларни ундиришнинг даврийлиги;
- е)мулкчилик шакллари;
- ё)молиялаштириш манбалари.

178.Ажратиладиган кредитлар фойдаланиш муддати бўйича куйидаги турларга таснифланади:

- а)қисқа муддатли ссудалар (12 ойгача бериладиган кредитлар);
- б)узок муддатли ссудалар (бир йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлар).

179.Кредитлар ажратилиши бўйича куйидаги турларга таснифланади:

- а)алоҳида ссуда ҳисобварағи бўйича “кредит йўналишини очмасдан” кредитлаш;
- б)алоҳида ссуда ҳисобварағи бўйича “кредит йўналишини очиш билан” кредитлаш;
- в)револьвер асосида кредитлаш;
- е)хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан хорижий валютада кредитлаш;
- ё)ишончли кредитлаш;
- ж)аккредитив бўйича кредитлаш.

180.Ажратиладиган кредитларнинг мақсадлар бўйича таснифланиши:

- а)асосий воситалар сотиб олиш учун бериладиган ссудалар;
- б)айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган ссудалар;
- в)қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг келгуси йил ҳосилини бўнаклаш учун берилган ссудалар;
- г)қурилишни молиялаштириш учун бериладиган кредитлар;
- д)лойиҳаларни молиялаштириш учун бериладиган кредитлар;
- е)кичик бизнес субъектларининг бошланғич капиталини шакллантириш учун бериладиган кредитлар;
- ё)жисмоний шахсларга бериладиган таълим кредитлари;
- ж)пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари сотиб олиш учун бериладиган кредитлар;
- з)истеъмол кредити;
- и)ипотека кредити;
- й)бошқалар.

181.Овердрафт ва контокоррент ҳисобварақлари бўйича кредитлаш, бланк кредитларни ажратиш истисно ҳолларда фақат биринчи синфга мансуб ҳамда молиявий барқарор қарз олувчилар учун амалга оширилади (ҳар 12 ойда қайта кўриб чиқилади).

182.Асосий воситаларга йўналтириладиган инвестициялар (лизинг)нинг муддати объектни ўзини-ўзи қоплаш муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим (молиялаштирилаётган объектнинг тегишли амортизацияси ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ойлик бадаллар мунтазам равишда тўлаб борилиши шарт).

183. Кичик бизнес субъектларига янги меҳмонхоналар ва туристик инфратузилма объектлари куриш учун ажратиладиган кредитлар узоқ муддатга берилиши мумкин, бунда кредитдан фойдаланиш муддати 5 йилдан ортиб кетмаслиги шарт.

184. Иқтисодийнинг реал сектори тармоқларидаги экспортчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкада, юқори ликвидли кредит таъминотини тақдим этиш шarti билан 12 ой муддатга имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

185. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги 155-сонли қарори билан тасдиқланган “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар комплекси” ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун банк филиалларида мазкур корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

186. Барча кредитлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ёки хорижий валютада берилади.

187. Қуйидаги ҳолатларда кредитларнинг берилиши таъқиқланади:

- а) балоғат ёшига етмаган ёки ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган шахснинг траст (ишонч) эгалигида турган мулк билан таъминланганда;
- б) хусусийлаштирилаётган корхоналар мулки сотиб олинаётганда;
- в) қонуний бўлмаган мақсадларга;
- г) қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга;
- д) атроф-муҳитга зарар етказувчи лойиҳаларга.

188. Кредитлашга оид тартиботларга биноан айрим фаолиятларни кредитлашга чекловлар қўйилиши мумкин.

## **VI Боб. Кредит мониторинги тизими**

1-§. Кредит мониторинги

2-§. Кредит мониторингини тизимли ташкил этиш

3-§. Кредит ходимлари

4-§. Банкнинг Кредит комиссиялари

5-§. Кўзда тутилмаган ҳолатлар (балансдан ташқари мажбуриятлар)

6-§. Ҳисоботлар

### **1-§. Кредит мониторинги**

189. Банк томонидан берилган кредит/кафолатлар мониторингини амалга ошириш учун банк филиаллари бевосита жавобгар. Ҳудудий филиалларнинг кредит фаолияти устидан назорат қилишда банкнинг ҳудудий бошқармаси, унинг кредитлаш бўлинмалари, Марказий аппаратнинг кредитлаш таркибий тузилмалари масъулдир.

190. Кредит тўловлари (кредит бўйича асосий қарздорлик ва ҳисобланган фоизлар) мижоз ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасининг тўлиқ муддатига тақсимланиб, қарз олувчи томонидан қисмлар билан тўлаб борилиши шарт.

Ушбу тўловларнинг миқдори ва муддатлари кредит шартномасига илова қилинадиган “Сўндириш графиги”да белгиланади.

191.Кредитнинг мониторинги қарз олувчининг кредит шартномаси, кредитни “Сўндириш графиги” ҳамда бизнес-режасида белгиланган шартлар ва кўрсаткичлар ижроси билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

192.Мониторинг жараёнида:

а)кредит ва фоизларнинг ўз вақтида сўндирилиши устидан мунтазам назорат амалга оширилиб, кредит берилганидан кейин бир ой муддат ичида маблағлардан мақсадли фойдаланилиши, кредит даврида миқдорнинг молиявий ҳолати, пул оқими ҳамда бизнес-режага риоя қилиниши банк филиали томонидан ўрганиб борилади;

б)кредитнинг қайтарилишини таъминловчи чоралар, яъни гаров мулки ёки гаровга қўйилган мулк хуқуқдан фойдаланиш ҳолати, кафил ва суғурта ташкилотининг молиявий аҳволи йилда бир марта текширилади;

в)ўрганишлар натижаси бўйича батафсил ёзма маълумотномалар тузилиб, қарз олувчининг мониторинг йиғмажилдига тикиб борилади.

193.Суд жараёнидаги кредитлар бўйича суд органларининг банк фойдасига чиқарилган қарорларини суд ижрочилари томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши банкнинг ҳудудий бошқармалари ва тасарруфларидаги филиалларнинг юридик хизмат ходимлари томонидан амалга оширилади.

194.Кредит мониторинги юритилишига оид ҳужжатлар Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 906-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 7-банди талабларига мувофиқ келиши шарт.

195.Кредитнинг ўз вақтида қайтарилишининг назорати:

а)молиявий ҳисоботлар ёки бошқа шу каби ҳужжатлар, тааллуқли бюджет ва истиқбол режаларини назорат қилиш;

б)қарз олувчининг жорий ҳолати ва ўз мажбуриятларини бажариш бўйича имкониятлари ҳамда бажаришга хайрихоҳлигини назорат қилиш;

в)қарз олувчи ҳақидаги асосий ва қўшимча олинаётган маълумотларнинг таҳлилини назорат қилиш;

г)жорий бозор ўзгаришларига мувофиқ гаровни қайта баҳолаш;

д)эҳтимолий захираларни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилишларни ўз ичига олади.

196.Кредит шартномасидаги ҳар қандай шартнинг бузилиши оқибатида пайдо бўлган муаммони банк томонидан зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

197.Банк филиалида Кредит бўлимининг масъул ходими кредитнинг мониторинги учун жавобгар шахс ҳисобланади. Мониторинг жараёнида берилган кредитдан қарз олувчи томонидан мақсадсиз фойдаланилиши аниқланган тақдирда Кредит бўлими масъул ходими тақдим этилган кредитни муддатидан олдин ундириб олиниши бўйича ҳуқуқий чораларнинг кўрилиши ҳамда ушбу ҳақида филиал бошқарувчисига белгиланган тартибда маълум қилиши шарт.

## **2-§. Кредит мониторингини тизимли ташкил этиш**

198.Банк кенг тармоқли филиаллар тизимига эга бўлганлиги сабабли ажратилган кредитларнинг жорий ҳолати ва ўз вақтида сўндирилиши бўйича мониторинг жараёни дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.



199.Банк филиалларида ҳар бир қарздор бўйича бизнес-режа (ТИА) кўрсаткичларига риюя этилишини таҳлил қилиш орқали мониторинг ишлари олиб борилади.

200.Мониторинг натижаларининг таҳлили асосида ажратилган кредитларнинг қайтарувчанлиги даражасини ошириш ҳамда банк кредит портфели сифатини яхшилаш юзасидан зарурий чоралар кўрилади.

201.Банк филиалларида кредитлар ажратилганидан сўнг ушбу кредитларни ўз вақтида қайтарилиши ҳудудий бошқармаларнинг кредитлаш билан шуғулланувчи тузилмалари томонидан назорат қилиб борилади.

202.Ажратилган кредитлар юзасидан мониторинг ўтказиш, кредитлардан мақсадли фойдаланиш, кредит ва ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича жавобгарлик филиал бошқарувчиси, бошқарувчи ўринбосари ва тегишли кредит ходими зиммаларига, назорат эса ҳудудий бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, кредитлаш билан шуғулланувчи тегишли тузилмаларга юклатилади.

### **3-§. Кредит ходимлари**

203.Мижозларнинг кредит йиғмажилдларини тўғри юритиш, кредитлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан мониторинг олиб бориш, гаров таъминотиға ликвидли мулкларни олиш, кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини сўндириш, кафолат тартиботларига риюя этиш масъулияти Кредит бўлими ходимларига юклатилади.

204.Банк филиали ҳамда ҳудудий бошқарманинг юридик хизмат ходимлари кредит йиғмажилди ҳужжатларнинг амалдаги тартибларға асосан тўлиқ тақдим этилганлиги юзасидан қонун нуқтаи назаридан ўрганиб юридик хулоса тайёрлайди. Юридик хулосаси мавжуд бўлмаган кредит йиғмажилдлар Кредит комиссия/кўмита муҳоқамасига тақдим этилмайди.

205.Банкнинг (филиал, ҳудудий бошқарма) кредит бўлими ходимларига (бундан кейин матнда кредит бўлими ходимлари мутахассислар, бўлим бошлиқлари ва бошқа) бериладиган кредитлар юзасидан зарур ҳужжатларни олиш, кредит йиғмажилдларини ўрнатилган тартибда шакллантириш ва сақлаш учун банк кассасига топшириш, кредитларни тўғри таснифлаш, кредит ҳамда фоизларнинг график бўйича ўз вақтида сўндирилиши устидан назорат қилиш мажбурияти юклатилади. Бу вазифалар улар томонидан ўз вақтида ва сифатли амалға оширилмаган ҳолатларда қайд этилган ходимлар жавобгарликка тортилиши мумкин.

206.Банкнинг (филиал, ҳудудий бошқарма) Кредит бўлими ходимлари кредит ажратишнинг мақсадға мувофиқлигини (мижознинг кредит тарихи, жорий тўлов қобилияти, кредит лойиҳасининг самарадорлиги, таъминот тўғрисидаги барча ҳужжатлари) мижозлар буюртмалари асосида ўрнатилган тартибда чуқур ўрганиб ҳамда дастлабки кредит ҳужжатларини таҳлил қилиб, мазкур масала юзасидан тегишли хулосани тайёрлайди.

Молиявий жиҳатдан барқарор бўлмаган, кредит таъминотиға ноликвид мулкни тақдим этган, бизнес-режаси етарли даражада тузилмаган мижозлар буюртмалари асосида кредит йиғмажилди ўрганилганда ижобий хулоса берилмаслиги лозим.

207.Банк филиали ҳамда ҳудудий бошқарма бошлиқлари кредит ажратиш масаласи юзасидан бевосита жавобгардир. Улар Кредит бўлими ходимлари томонидан кредитнинг асосий суммасини ўз вақтида қайтариш, фоизларни сўндириш, кредит бўйича мониторинг олиб бориш юзасидан ваколатлари доирасида доимий назорат олиб боришлари лозим.

208. Қарз олувчининг кредит тўловларини амалга ошириш учун пул оқими етарлилигини тасдиқловчи банк хулосаси филиалнинг Кредит бўлими бошлиғи томонидан имзоланади ва унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- а) бизнес-режа самарадорлигининг баҳоланиши;
- б) кредит тўловларини амалга ошириш учун пул оқими етарлилигини асослаб берувчи ҳисоб-китобларнинг таҳлили;
- в) кредит таъминотининг етарлилигини дастлабки баҳоланиши;
- г) кредит ажратиш учун бўш кредит ресурсларнинг мавжудлиги.

209. Кредитлар берилганидан кейин филиалнинг бириктирилган кредит ходимлари бир ой муддат ичида кредитнинг мақсадли ишлатилиши бўйича жойида текшириш ўтказадилар (текшириш далолатномалари кредит йиғмажилдларига тикилади).

210. Қарз олувчига хизмат кўрсатувчи кредит ходими банкнинг кредит бериш тўғрисидаги тегишли меъёрий ҳужжатлари талаблари ҳамда ушбу Сиёсатнинг асосий йўналишлари, Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 906-сон билан рўйхатга олинган Низом талабларига мувофиқ кредит ҳужжатларини юритиш бўйича барча талабларни бажаради.

211. Банкка тақдим этилган кредит йиғмажилдида мавжуд ҳужжатларни тегишли тартибда ўрганиб, кредит ажратиш ёки ажратмаслик масаласи юзасидан хулоса Марказий аппаратнинг кредитлаш таркибий тузилмалари ходимлари томонидан таёрланади. Хулосада қарз олувчининг молиявий ҳолати, кредит таъминотига тақдим қилинган мулклар, учинчи шахснинг кафилиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва шу кабилар кўрсатилади. Бунда банк филиалининг (худудий бошқарма) Кредит комиссияси томонидан кредит ажратиш бўйича қабул қилинган ижобий қарори Марказий аппаратнинг тегишли тармоқ тузилмаси томонидан тайёрланадиган ижобий ёки рад этиш тўғрисидаги хулосасига таъсир кўрсатмайди.

Кредит ажратиш масаласини Марказий аппаратнинг Кредит кўмитасига муҳокамага киритиш фақат Юридик хизмат департаменти ходимлари томонидан тузилган ҳуқуқий экспертиза тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

212. Қарз олувчи билан кредит шартномаси банкнинг филиали ва худудий бошқармаси Кредит комиссиялари ҳамда Марказий аппаратнинг Кредит кўмитаси, банк Бошқаруви ва Кенгаши тарафидан уларга берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган ижобий қароридан сўнг тузилади ҳамда:

а) кредит/кафолат шартномаларида ҳамда уларга қилинган қўшимча шартнома ва ўзгартиришларда филиал бошқарувчиси, бош бухгалтер ва ҳуқуқшунос имзолари қўйилиши лозим;

б) дастлабки талаблар бажарилмасдан, шу жумладан кредит/кафолат таъминоти бўйича гаров шартномаси белгиланган тартибда (мулк эгалари розилиги асосида) тўлик расмийлаштирилмасдан, депозит маблағлари махсус ҳисоб ракамга олиниб тақиқ қўйилмасдан кредитлашга банк филиалига рухсат этилмайди. Айрим ҳолатларда сотиб олинаётган мулк қисман гаров таъминоти сифатида олиниши кўзда тутилса ҳамда бошқа шарт кредит ажратиш бўйича қарорда назарда тутилса, бундай мажбуриятни кредит шартномасида қарз олувчига юклаш шarti билан кредитлаш амалга оширилиши мумкин.

213. Гумонли операциялар аниқланган тақдирда филиал кредит ходимлари бундай операциялар ҳақида бевосита филиал бошқарувчиси ва Ички назорат хизмати ходимларига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

#### **4-§. Банкнинг Кредит комиссиялари**

214.Мазкур Сиёсат банкнинг Кредит комиссиялари, кредитлаш тузилмалари, бўлимлари ва мутахассислари томонидан Сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланган банк Кенгашининг 2016 йил 15 апрелдаги 7/1-сонли қарори билан тасдиқланган “Банкнинг ҳудудий бошқармалари ва филиаллари кредит комиссиялари тўғрисида Низом” талабларига мувофиқ амалга оширилади.

215.Банкнинг Кредит комиссиялари банк тизимида хизмат кўрсатилаётган мижозларга кредит хизматларини амалга оширишда ваколатли орган бўлиб ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини кредитлашга оид ўрнатилган иқтисодий меъёрлар ва банк Бошқаруви томонидан белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширади.

216.Кредит ажратиш масаласи филиал ва ҳудудий бошқармалар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили асосида банкнинг Кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва мижозга кредит ажратиш бўйича филиал ҳамда ҳудудий бошқарма Кредит комиссияларининг ижобий қарори Марказий аппаратнинг Кредит қўмитасида маъқулланиши ёки рад этилиши мумкин.

Ажратилаётган кредитлар бўйича тегишли ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, шу жумладан кредитни мақсадли ишлатиш, кредит таъминотини расмийлаштириш ва унинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш, мижоз томонидан кредит бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашга филиал ва ҳудудий бошқарма кредит комиссиялари жавобгар ҳисобланади.

217.Банкнинг Кредит комиссиялари кредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг қилиш, банк филиалларида кредитлаш жараёнини мувофиқлаштириш, кредит портфели ҳолатини, кредитларнинг таъминланганлигини мониторинг қилиш, ҳолисона баҳолаш ҳамда кредитларнинг қайтарувчанлик даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

218.Кредит комиссиялари ўз фаолиятини бевосита кредит ажратиш билан чегараламасдан берилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши ва кредит ходимлари (тузилмалари) томонидан амалга оширилаётган мониторинг ишлари назоратини олиб боради.

219.Кредит комиссиялари ўз фаолияти бўйича ҳар чоракда бир марта ўзидан юқори турувчи комиссияга ҳисобот беради.

#### **5-§. Кўзда тутилмаган ҳолатлар (балансдан ташқари мажбуриятлар)**

220.Банкнинг балансдан ташқари мажбуриятларига қуйидагилар киради:

а)банк томонидан мижоз фойдасига берилган ёки тасдиқланган кафолатлар ва кафилликлар;

в)кредит йўналиши, контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлар бериш сингари банкнинг ссуда бериш мажбуриятлари.

221.Мижоз фойдасига кафолат ва кафиллик бериш масаласи филиал, ҳудудий бошқарма Кредит комиссиялари ҳамда Марказий аппаратнинг Кредит қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

222.Кредит йўналишларини очиш ёки контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлар бериш мажбуриятлари ҳисоби балансдан ташқари ҳисобварақларда юритилади.

223.Банк филиалларининг берилган кафолат ва кафилликлари бўйича мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

- а) бенефициарга берилган кафолат (кафиллик) суммасига тенг бўлган сумма тўланса;
- б) кафолат (кафиллик)нинг белгиланган муддати тугаши билан;
- в) бенефициар кафолат (кафиллик) бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечса ва уни кафолат (кафиллик) берувчи шахсга қайтарса;
- г) бенефициар кафолат (кафиллик) бўйича ўз ҳуқуқларидан кафолат (кафиллик) берувчи шахс фойдасига ёзма равишда воз кечса;
- д) берилган кафолат бўйича маблағлар мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланса.

224. Юқорида кўрсатилган шартлар юзасидан берилган кафолат бўйича банк филиали мажбуриятларининг тугатилиши кафолатнинг унга қайтарилган ёки қайтарилмаганлигига боғлиқ эмас. Кафолатнинг тугатилиши ҳақида хабар топган банк филиали ушбу ҳақида кафолат берилган шахсни кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилади. Барча ҳолатларда кафолат суммаси кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

225. Банкнинг балансдан ташқари мажбуриятлари таваккал қилинган ҳисобланади ва банк капитали мувофиқлигини ҳисоблашда хавф-хатарга тортилган активлар таркибида ҳисоби юритилади.

## **6-§. Ҳисоботлар**

226. Кредит портфелини баҳолаш ва кредит таваккалчилигини бошқаришда иқтисодий меъёрларга риоя этиш ҳамда банкнинг молиявий ҳолати бўйича банк Кенгашига ҳисобот Ички аудит департаменти томонидан мунтазам равишда тақдим этилади.

227. Банк Кенгашига ҳисоботлар ихчам, аниқ ва ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

228. Ҳисобот куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- а) корпоратив бошқарувнинг сиёсати ва тартиб-қоидалари;
- б) кредит портфелининг таркибий тузилиши ва сифати;
- г) дахлдор шахслар билан ўтказилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар;
- д) бухгалтерия ҳисобининг ҳолати тўғрисидаги маълумот;
- е) иқтисодий меъёрларга риоя этилиши;
- ё) таҳлилий ишларнинг ташкил этилиши ва ички назорат тизими.

229. Банк Бошқарувига ҳисоботлар Бошқарувнинг иш режасига мувофиқ тақдим этилади.

230. Бошқарув томонидан банк кредит портфели ҳолати ва сифати тўғрисида банк Кенгашига тақдим этилаётган ҳисобот маълумотлари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- а) ўз вақтида тақдим этилиши;
- б) аниқ ва равшан бўлиши;
- в) маълум бир кетма-кетликда тузилиши;
- г) кредит бериш тўғрисида асосли қарор қабул қилиш ва банкнинг хатарли активларининг самарали мониторингини амалга ошириш учун аҳамиятли бўлиши.

231. Кредит портфели бўйича олинган маълумот қарз олувчиларнинг ўз мажбуриятларининг белгиланган вақтда бажарилиши ва кредитлар тўпланувини аниқлашни осонлаштириши керак.

232. Банк филиали раҳбарлари, шунингдек кредит, бухгалтерия ва тегишли бошқа бўлинмалар ходимлари томонидан мазкур Сиёсатнинг асосий йўналишларига тўлиқ риоя қилинмаган тақдирда уларга нисбатан амалдаги тартиб-қоидаларга асосан интизомий чоралар ўрнатилган тартибда қўлланилади.

“Агробанк” АТБ Кенгашининг  
2017 йил - даги -сонли  
қарори билан тасдиқланган  
Сиёсатга 1-илова

**“Агробанк” АТБ тизимида кредитлаш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ  
асосий ҳужжатларнинг рўйхати**

т/р	Ҳужжатнинг номи	Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари</b>		
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори	2009 йил 30 март ПҚ-1084-сонли
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори	2009 йил 28 июль ПҚ-1166-сонли
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони	2012 йил 18 июль ПФ-4455-сонли
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори	2015 йил 6 май ПҚ-2344-сонли
<b>Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари</b>		
1	Банкнинг Кредит кўмитаси тўғрисидаги Низом	56/1 11.08.11 18/1 13.10.11
2	Банкнинг ҳудудий филиали Кредит комиссиялари тўғрисида Низом	56/1 11.08.11 18/1 13.10.11
3	Хўжалик юритувчи субъектларга қисқа муддатли кредитларни тақдим этиш тўғрисида Низом	11/2 19.02.2015
4	Банк тизимида Қишлоқ хўжалиги корхоналарини миллий валютада кредитлаш Тартиби	13/1-42 27.02.15
5	Банк томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини узоқ муддатли кредитлашнинг Низоми	64/1 29.09.14
6	Банк томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш Тартиби	13/1-9 27.02.15
7	Банк филиаллари томонидан аҳолига истеъмол кредитларини бериш Тартиби	13/1-39 27.02.15
8	Банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга иш ҳақи тўлашга кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом	13/2 27.02.15
9	Банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида Низом	13/1-45 27.02.15
10	Кичик бизнес субъектларига савдо фаолиятини юритиш учун	13/1-13

	банк филиаллари томонидан кредитлар бериш тўғрисида Низом	27.02.15
11	Банк филиалларида кредит йиғмажилдларни шакллантириш ва сақлаш Тартиби	13/1-30 27.02.15